# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 123 (9.315) 1999 йил 22 октябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Марказий сайлов комиссиясида бўлажак сайловларга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ташриф буюрди. Мулоқот чоғида меҳмонлар Марказий сайлов комиссияси фаолиятига юқори баҳо бердилар ва ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича маълумот олдилар. Томонлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашишди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов раислигида республика иқтисодиётини 1999—2000 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил 2—12 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги» ўтказилади.

◆ **Кеча** «Ўзэкспомарказ»да «Экспо Италия — 99» кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда 120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда ўз маҳсулотларини намойиш этмоқдалар.

◆ Тошкентда Туркманистон киноси кунлари бошланди.

◆ **Кеча** Ўзбекистон фалсафа жамияти раёсати қошида ташкил этилган фалсафа фанини янгилашга бағишланган Доимий илмий-назарий семинарнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ **Бугун** шаҳримизнинг Ҳамза туманида футбол бўйича махсус мактаб-интернатнинг тақдимот маросими бўлди.

### ЖАҲОНДА

◆ Россия Президенти Борис Ельцин Бош вазир ўринбосари — Россия ҳукуматининг Чеченистондаги мухтор вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида Фармонга имзо чекди.

◆ БМТ Хавфсизлик кенгаши террорчиликка қарши курашни янада кучайтириш ва ташкилот раҳнамолигида бу борадаги ишларни умумдунёвий миқёсга чиқариш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди.

◆ Россия Федерал хавфсизлик хизмати 1998 йилда Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд қилишда иштирок этган халқаро террорчини қўлга олди.

◆ **Кеча** Россия Федерациясининг федерал ҳарбийлари Грознийга ҳужум бошладилар ва Чеченистон пойтахтига қарашли бир неча вилоятларни эгалладилар.

◆ Индонезияда янги президент сайланди.

◆ Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф 100 миллиондан ортиқ долларни ўғирлаганликда айбланмоқда.

◆ Қирғиз соми тобора қадрсизланиб бораётгани туфайли мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда. Бунинг устига, деб ёзади «Кабар» ахборот агентлиги мухбири, республикада айниқса, ёқилғи тобора тақчил бўлиб боряпти.

◆ Японияда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

◆ Норвегия Сербияга инсонпарварлик ёрдами сифатида 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

◆ Германия полициясининг Истанбулдан ўғирлаб кетилган самолётни озод қилиш борасида ўтказган операцияси муваффақиятли якунланди. Мазкур самолёт Миср ҳаво йўллари компаниясига тегишли бўлиб, ГФРнинг Гамбург шаҳрига қўнган эди. Шаҳар полиция бошқармаси вакилининг журналистларга маълум қилишича, самолётда 48 йўловчи ҳамда 6 нафар экипаж аъзоси бўлган, уларнинг ҳеч қайсиси жабрланганi йўқ.

◆ Хитойнинг Шеньян шаҳрида шахмат бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Мусобақада иштирок этган мамлакатимиз шахматчилари учрашувларни олтита ғалаба, иккита дуранг ва бир учрашувни бой бериб, ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# ҚУДРАТИЛЛАНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚЎЛЛАРИ

***Ҳар бир корхона ёки ташкилотда саноқли ишчи-хизматчининг ўзига хос нуфузли ўрни бўлади. У қаерда ишламасин, албатта зафар жиловини қўлга олади.***

***«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 2-уй-жой қурилиш комбинатининг 61-қурилиш бошқармасидагилар Қудратилла Муҳамедовни «универсал қурувчи» деб аташади. Сабаби у 23 йиллик иш фаолиятида қурувчиларга хос бўлган барча ишларни ўрганиб, мустақил бажара олиш ҳуқуқига эга бўлди. Унинг изланиш, интилиши «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори бўлишдек юксак даражага олиб келди.***



— Оилада ёлғиз ўғилман, тўнғичи. Тўртта синглим бор, — дейди Қудратилла биз билан суҳбатда. — Армия хизматидан келганимдан кейин атрофимдаги катта-кичиклар «Сенинг кўп нарсани эплай олишингга кўзимиз етади, шунинг учун қурилишга ишга кир», дейишди. Мана 1976 йилдан бери шу жамоада меҳнат қилиб, қурувчилик поғонасини аста-секин босиб ўтаяпман. Дарҳақиқат, касб танлашда янглишмаган эканман.

Кўп йиллик меҳнатларим самараси туфайли «Меҳнат шуҳрати» орденининг нишондори бўлдим. Бу орден битта менга эмас, балки менга маслаҳат берган, билмаганларимни ўргатган, иш жараёнида ҳамроҳ бўлган ҳамкасбларимга ҳам берилган мукофотдир.

Дарҳақиқат, яхши хабарнинг қаноти бор, дейишлари бежиз эмас. Қудратилланинг муваффақиятидан кўпчилик мамнун бўлди. 61-қурилиш бошқармаси қурувчилари «Чилонзор-5» мавзесида қад ростлаётган бир нечта уйлардан учтасини муддатидан илгари топширишди. Бу уйларнинг буюртмачилари «Ўзуйжойжамғармабанк»идир.

***Гулзода МАМБЕТОВА.***

**СУРАТДА: «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Қудратилла Муҳамедов.**

***Рустам Шарипов олган сурат.***

Хабарингиз борми?

# «ЎРДА» ГУЗАРИ ОЧИЛДИ

***Шаҳримизнинг гўзал масканлари — маҳалла гузарларининг сони яна биттага кўпайди. Ўзининг тарихий аҳамиятига эга бўлган «Ўрда» маҳалласида янги гузар очилди. Бу гузар бошқаларига нисбатан бирмунча фарқли бўлиб, икки қаватдан иборат. Умумий майдони 1600 квадрат метр.***

Гузарнинг очилиш тадбирида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов, Шайхонтоҳур туман ҳокими Миркамол Одилов, «Ўрда» маҳалласи оқсоқоли Убайдулла Исомхоновлар пойтахтимиз жамолига обод ва кўркам маҳаллалар ҳам кўрк қўшиб турганлигини ва бундай гузарларда тўй-томошалар, мароқли суҳбатлар, қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтиши ҳақида гапирдилар.

«Ўрда» гузарининг қурилишида «Юксал» ва «Катта савоб» қурилиш фирмаларининг, «Ўзбиржасавдо», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давлатсувқурилиш» бошқармалари ва бошқа ташкилотларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Маҳалла аҳли гузарни қисқа вақт ичида қуриб топширган барча ҳомийларга ва қурувчиларга миннатдорчилик билдириб, бир пиёла чой устида ҳамсуҳбат бўлишди.

Маҳаллада кўп қаватли уйларда яшовчи 1021 та хонадон бўлиб, уч мингга яқин турли миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Гузар лойиҳаси тасдиқланаётган вақтда маҳалладаги тадбиркорлар ҳам эътиборга олинди. Эндиликда гузарда сартарошхона, бичиш-тикиш цехи ҳам иш бошлайди. Салкам юзга яқин ёшлар иш билан таъминланади.

Гузарнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Эркин Эрназаров ва Абдуқаҳҳор Тўхтаевлар иштирок этишди.

***Гулбаҳор МЎМИНОВА.***

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

## МАЛИКА ҲУСНИЯ БОНУ

**(«Ҳотамномаи туркий» китобидан)**

**(Давоми. Боши газетанинг 117, 120-сонларида.)**

Шу тариқа то бир йилғача шаҳар бунёд айладилар, юздин ортиқ меҳмонхоналар палослари билан ва яна палослари ранго-ранг саройлар ва боғлар ва бўстонлар бул тайёр бўлғон уйларга ҳар жонибдин бечораларни ва мискинларни олиб келиб ўлтурғиздилар, ҳаммасига либос ва ҳаржлар бериб ғаний айладилар. Гумашталар пайдо айлаб ҳар тарафларга юборур эрди. Оз фурсатда шаҳар тўлди, саройлар молга тўлди, меҳмонхоналар меҳмонга тўлди. Бу ишга неча саркор ва неча ишбошиларни тайин айлаб, азбаройи меҳмонхона учун қуллар қўйди. Ғариблар ва ё мусофирларга парво айлагундек. Бу ишлардин фориғ бўлиб, ўзига канизаклардин ҳаммажлис айлаб базмлар тузар эрди. Гоҳи ўзини эркак суратида ясаб, тамошойи шикор учун ҳар ҳафтада бир кун ё икки кун от миниб шикорга чиқар эрди. Бир кун Гардон шоҳнинг навкарларига учрашиб шикор айладилар. Шикор аҳли таҳсин айлаб сўрдиларким отингиз нимадур, қайси гулшандин парвоз айладингиз? Малика тааммул айлаб дедиким, фалон подшоҳнинг жигаргўшасидурмен, отимни шаҳзода Мунаввар дерлар, отамдин рухсат олиб ўз ҳайл-ҳашамим билан тамошайи шикор учун юрар эрдим, қазоро бир чашма бошиға қўниб сокин бўлдим. Ул чашма менинг табиатимга тўғри келиб, отамдин жавоб олиб, ул ерга бир шаҳар бино айлаб, ул шаҳарни отини Ҳуснобод қўйибдурман. Бир ой мунда, бир ой отам олдида тураман деб, мундоғ сўзиға оройишлар берди. Ул шикордаги одамлар ўн адад эрдилар, буларни қўймасдин олиб меҳмонхонага тушириб, бир кеча-кундуз зиёфатлар айлаб, ҳаммаларига покиза либослар, яхши отлар ва беандоза ҳаржлар инъом айлаб узатди. Ул миришкорлар то шаҳарга етгунча мадҳини айлаб келур эрдилар. Улар йўлда маслаҳат айладиларким бу сирни Гардон шоҳға изҳор айлайлик, бўлмаса ўзи эшитса бизларға эҳонат еткурур деб, шул либослар билан ва отлар билан шоҳға кўриниб дуолар айладилар. Гардон шоҳ кўрдиким миришкорларни ранги-рўйи ва феъли кўйи ўзгачадур, сўрдиким эй йигитлар, отлар ва жомлар муборак бўлсин: бул насиба сизларга қаёндин муносиб бўлди? Жавоб бердиларки шоҳо, жаҳонпарваро бизлар азбаройи шикор фалон кўҳсорга бориб эрдук, фалон куни баногоҳ бир шаҳзодайи моҳийкариға йўлиқдикким, бул асрларда ул шаҳзодани ҳусни жамолидек жамол ва феъли-кўйи ширин сўзларидек зилол, анинг қошу кўзларидек мисол бу оламда бўлмағай, билмасмизким ул шаҳзоданинг гавҳари асли қайси шоҳ париға етар, жаҳонни аносидин шундоғ ўғул яна туғилмас, деб авсофлар айладилар. Гардон шоҳнинг кўнглига ғойибона ўт тушди, бир кўрмоқлиқға муштоқ бўлди, буюрдиким шаҳарға маълум қилинглар ҳар кимда орзуйи шикор бўлса фалон кўҳсорға қадам еткурғайлар, деб ўзи вазирлар билан фаррошларни ва аскарияларни, боргоҳ ва саропардаларни олиб бориб ул жойға барпо айлагайлар деб фармойиш айлади. Толиблар ҳаммаси ул саҳрога тўлдилар. Яна бир куни Гардон шоҳ ҳам соҳиб иқболлар билан шикорлар айлаб, ҳориб-чарчаб ўз давлатхонасига бориб осойиш топди. Ул миришкорлардин бири пинҳоний Ҳуснободға бориб, маликаға Гардон шоҳдан хабар берди. Малика дарҳол туриб пешкашлар, дабдабалар ораста айлаб, дастурхонлар ясаб шоҳ боргоҳиға еткурди. Маликанинг қуллари Гардон шоҳ назаридан тортиқларни ўткариб, ўзлари дуолар айлаб кетдилар. Малика ўзини ораста айлаб, шаҳзодайи Мунаввар бўлиб, бир неча хослар билан шикор айлаб, шоҳ боргоҳиға яқин етди. Ошнолар интизор туриб эрдилар, дар замон Гардон шоҳға хабар еткурдилар. Шоҳ ҳам истиқбол учун улуғлардин бир нечасини чиқариб боргоҳига туширди, шоҳ ўз ёнидин жой берди, дуо ва фотиҳадин сўнгра шоҳ кўрдиким, кўрган навкарлари ўз ақлича авсоф (мақтаган) айлабдурлар, аслида бешдан бирича ҳам таъриф айлаёлмабдурлар. Гардон шоҳнинг дилида ўтлар ёнур эрди, айтар эрдиким эй парвардигорим: манга ҳам ушбу ўғилдек бир фарзанд лойиқ кўргайсанким, кўзимнинг нури, белимнинг қуввати бўлғай, деб илтижо айлар эрди.

Алқисса Гардон шоҳ ўз қадрига лойиқ инъомлар айлаб, зиёфатларни анжомиға еткурди. Асл насабдин сўраб зиёда дилбандлиги ҳаддин ошди, аркони давлатни гувоҳ айлаб ота-бола тутиндилар. Шаҳзода Мунаввар ҳам ҳозирларни шоҳид айлаб отам деди. Ҳаммага саруполар инъом бериб, ота-бола дуо олдилар. Суҳбат поёниға етди, ижозат олиб қўшиға борурда, одоб билан дедиким эй ота, эрта билан фақирни манзилиға қадамларини еткургайлар, ман ҳам беармон бир кун хизмат айласам деди. Шоҳдин рухсат топди, шоҳнинг ўзи отга миндириб қўйди, малика ўз жойига келиб тушди. Азбаройи зиёфат тараддудиға тушдимда. Бу кеча ўтиб тонг отди, андин сўнг малика Ҳуснобод одамларини ҳаммасини йиғдириб, асбоби зиёфатни жамлаб, хизмат камарини беллариға боғлаб Гардон шоҳнинг йўлига кўз тутиб турдилар. Гардон шоҳ азбаройи меҳмон бўлмоқ учун ҳамма чопарлари (хизматчилари) билан отланиб келур эрди, маликанинг йўлга қўйган одамлари хабар бердилар, малика мардона либос билан пиёда бўлиб, жумла Ҳуснобод халқи ҳам истиқбол айладилар, то ярим фарсах ергача пояндозлар солиб, ғуломлар сарбасар табақ-табақ олтин-кумушлар нисор қилур эрдилар. Шундай салтанатлар билан Гардон шоҳни қасри зарринга туширдилар. Сипоҳларга жой тайин айлаб, то уч кеча-кундузғача андоғ зиёфатлар бунёд айладиларким, ҳеч вақтларда бу янглиғ меҳмондорлиқни бировга биров қилган эмас дебдурлар. Гардон шоҳнинг кетар вақтида малика саруполар билан лаган-лаган лаъл, ёқут ва марваридлар пешкаш айлади. Гардон шоҳ умрида мундоғ хушнуд бўлғон эмас эрди, аскарияларға амаллариға муносиб инъомлар айладиларким ҳаммалари ғаний ва мустағний (эҳтиёжсиз) бўлдилар. Алқисса Гардон шоҳни ушбу навъ оройишлар билан узатдилар. Гардон шоҳ бу ўғулни донишманд ва жавонмардлиғига аҳсан-аҳсан, боракаллоҳи аъзим деб саноға тил очар эрди. Лашкарлари дуойи жони шаҳзодани қилур эрдилар, то шаҳарга етди, уч кундан сўнгра Гардон шоҳ амри билан бир нома тайёр айладилар. Ул номани бир неча хосларга бериб фармойиш бўлдиким, бориб шаҳзода Мунаввар ўғлимни олиб келғайсизлар деб. Шоҳ номасини маликага етказдилар. Нома мазмуни мундоғ эрдиким, эй ўғлим Мунаввар шоҳ, нома етиши ҳамон бул қари отанг кўзларини қадаминг туфроғи билан равшан айлагайсан деб интизорликни изҳорини қилибдур. Ўшал кеча ўтиб тонг отгандин сўнг малика ўзини ораста айлаб, юз чоғлиқ надимлардин ҳамроҳ айлаб элчилар билан шаҳар йўлини олдилар. Гардон шоҳга хабар етдиким, шаҳзода Мунаввар фалон ерга келдилар деб. Улуғлардин анчасини истиқбол учун чиқариб баиззати тамом шаҳарга олиб кирдилар. Ҳар ким кўрса беихтиёр бўлиб, волау шайдо бўлур эрди. То ўз уйиғача етди. Уй эшигининг уч-тўрт ерига қулфлар тушибдур, гуноҳкори подшоҳ бўлибдур, оҳ тортиб кўзининг ёшини артиб ўтди. Андин даргоҳи шоҳга етдилар. Шоҳ Мунаввар шодни кўриб беихтиёр тахтидан тушиб, оғушига олиб ўнг ёниға вазирлардин юқори жой берди. Баъдаз дуо ва фотиҳа шаҳзода қўлидин тутиб ҳарамға олиб кирди, ўрда хотинлари, шоҳнинг қизлари нисорлар ва тасаддуқотлар ҳаддин зиёда айладилар. Алар билан ҳамсуҳбат бўлиб, анча фурсат ўтди. Алқисса уч кунгача ушбу тариқада туриб, андин сўнг шаҳзода одоблар билан рухсат тилади. Ҳуснободга бориб бир ҳафтада бир мартаба келурман деб. Шоҳ хушҳол бўлиб рухсат берди, малика савора бўлиб Ҳуснобод йўлини тутди. Ўз мосавосиға бориб тушиб роҳат олди. Бир ҳафта бўлғондин сўнг шаҳарга яна тушиб Гардон шоҳ ҳузурида ором олди.

***Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.***

**(Давоми бор).**



*Араб имлосини ўрганиш — бу ўтмишимиздан ва тарихимиздан воқиф бўлишдир.*

***СУРАТДА: 22 йиллик тажрибага эга бўлган моҳир ўқитувчи Шоиста Юсупова болаларга араб имлосини қунт билан ўргатмоқда.***

*Таълим*

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

***Республикамиз саноат корхоналарига янги техника ва технологияларни жорий этишда Олмониянинг «Siemens» фирмаси ҳам фаол қатнашмоқда. Бу фирма автоматлаштириш соҳасида жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради. Жорий этилаётган мураккаб техникани ўзлаштириш ва фойдаланиш мутахассислардан юқори малакани талаб қилади.***

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, таълим тизимидаги ислоҳотларга биноан Тошкент Давлат техника университети «Siemens» фирмаси билан яқин алоқалар ўрнатиши ижобий натижалар бермоқда. Бир неча йил бурун «Siemens» фирмаси иштирокида ташкил этилган «Электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси» факультети қошидаги ўқув лабораториясида университет талабалари юқори даражадаги дастурлаш тили бўлган STEP5 тилини ўзлаштиришяпти.

Яқинда Тошкент Давлат техника университетининг Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Н.Р.Юсупбеков бошчилигидаги «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедраси қошида ҳам яна бир янги лабораториянинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу лаборатория эса «Siemens» фирмаси ишлаб чиқараётган сўнгги авлод техникалари билан жиҳозланган.

— Ишончим комилки, — дейди фирманинг «Автоматлаштириш» департаменти ходими жаноб Михаэль Кирф, — бизнинг бу мураккаб техникамиз сизлар учун сирлилигини йўқотади.

Ҳақиқатан ҳам техника университетида бўлажак бакалавр ва магистрларни ўқитишда «Siemens»фирмасининг автоматлаштириш техник воситаларидан фойдаланишга жиддий киришилди.

***Шаҳноза ИНОҒОМОВА.***

*Турфа олам*

## НОЁБ КИТОБЛАР

◆ Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган «Присс папируси» қўлёзмаси дунёда энг қадимги китоб саналади. Ҳикматли сўзлар йиғиндисидан иборат бўлган бу қўлёзма қадимги Мисрнинг Фива шаҳрида эрамиздан 2600 йил муқаддам топилган эди.

◆ Нью-Йоркдаги музейлардан бирида дунёда энг катта китоб сақланади. Бу китобнинг бўйи 3 метр, қалинлиги бир метр, оғирлиги 125 килограмм келади.

◆ XY асрда яшаган Туркия султони Маҳмуд Иккининг 1953 йилда босилиб чиққан шеърлар тўплами дунёда энг чройли китоб ҳисобланади. Бу нодир китобни яратиш устида қирқ нафар турк рассоми 8 йил ишлаган.

◆ Дунёда энг қиммат китоб — ўрта асрда яшаган машҳур немис матбаачиси И, Гутенбергнинг биринчи тавротидир. Унинг нархи ўз даврида 1 миллион 300.000 маркага тенг бўлган.

***Акбар АЛИЕВ тайёрлади.***

# СПОРТ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

ASIAN BOXING CHAMPIONSHIPS & OLYMPIC QUALIFICATION TOURNAMENT
Tashkent / Uzbekistan
19 XX 99
23-30 October

# Тошкентга марҳабо, қитъа бокс усталари!

## Эртага «Юнусобод» спорт мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионати бошланади





*Шаҳримиздаги «Динамо» бокс залида энг кучли чарм қўлқоп усталаримиз Осиё ўйинларига тайёргарликнинг охирги босқичини ўтказмоқдалар. Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси Владимир Шин бошчилигида ўтаётган қизиқарли машғулотларда спортчиларимизнинг техник-тактик маҳоратларини ўстиришга асосий аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, айрим вазнларда кучли жуфтликлар ўртасида спаринг жанглар ўтказилиб, муносиб спортчилар адолатли тарзда саралаб олинди.*

*СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари машғулот пайтида.*

*Алишер Рисқиев олган суратлар.*

Бизнинг суҳбат

# МУСОБАҚАЛАРГА ШАЙМИЗ

*Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Бокс федерациясининг бош котиби Алишер Қодиров билан суҳбатимиз боксчиларимизнинг XX Осиё чемпионатига тайёргарлиги, ушбу мусобақаларнинг нуфузи хусусида бўлди.*

**— Алишер Абдуллаевич, айтингчи, ушбу чемпионатни айнан бизнинг шаҳримизда ўтказиш ғояси қандай туғилди?**

— Тошкентда ўтган йили халқаро бокс федерацияси АТВАнинг анжумани ўтказилганида ушбу нуфузли ташкилот мутасаддилари жаҳонда бокс ривожига ўзбекистонлик спортчилар қўшаётган муносиб ҳиссани эътиборга олган ҳолда навбатдаги XX Осиё чемпионатини республикамиз пойтахтида ўтказишга якдиллик билан қарор қилгандилар. Ушбу мусобақаларнинг нуфузи шунчалик баландки, Осиё чемпионатида 1 ва 2-ўринларни эгаллаган чарм қўлқоп усталари нафақат қитъа чемпиони унвонига эга бўладилар, балки бевосита 2000 йили Сиднейда ўтказиладиган ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Шу боис унда иштирок этиш учун қитъамизнинг энг кучли боксчилари шаҳримизга ташриф буюрди.

**— Юртимиз боксчилари мусобақаларда қатнашиш учун қандай тайёргарлик кўришди?**

— Албатта, халқаро бокс федерацияси қароридан кейиноқ чарм қўлқоп усталаримиз Осиё чемпионатига қизғин тайёргарликни бошлаб юборишди. Айниқса охирги халқаро мусобақалар жамоамизнинг нечоғлик жанговар ҳолатда эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди: сўнгги жаҳон чемпионатидан боксчиларимиз шарафига икки бор юртимиз мадҳияси baралла янграб, давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираган бўлса, куни кеча якунланган III Марказий Осиё ўйинларида улар Осиё қитъасида бугунги кунда энг кучли жамоалардан бири эканликларини яна бир карра исботлашди. Жумладан, бу гал Темур Туляков, Икром Бердиев, Темур Иброҳимов, Рустам Саидов, Лазиз Зокировлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишган бўлса, қолган спортчиларимиз яна икки кумуш, бешта бронза нишонларини қўлга киритган ҳолда жами 12 медаль билан жамоа ҳисобида биринчи ўринни забт этдилар. Шуни айтиш кераккки, AIBA ҳар уч ойда бир марта энг кучли ҳаваскор боксчилар рейтинг рақамларини эълон қилади.

Ушбу таснифга кўра 57 килограмм вазнда Тўлқинбой Турғунов, 63 килограмм вазнда Муҳаммадқодир Абдуллаевлар бугунги кунда биринчи ўринни эгаллаб турибдилар.

Боксчиларимизнинг чемпионатга охирги жиддий тайёргарликлари хусусида тўхталадиган бўлсак эса куни кеча улар Тошкент вилоятидаги барча шарт-шароитлар мавжуд Янгиобод спорт базасида 15 кунлик охирги босқич тайёргарликларидан ўтиб шаҳримизга қайтиб келишди.

Энг муҳими, боксчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарликлари яхши. Тошкентда ўз юртдошлари кўз ўнгида ўзларининг энг кучли хусусиятларини намоён қилган ҳолда фақат ғалаба учун курашиш кераклигини яхши тушуниб туришибди.

1995 йилда ўтказилган Осиё чемпионати натижаларига кўра 4 нафар боксчимиз Атланта олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса бу гал 6-7 нафар боксчиларимизни олимпиадага йўлланмалар билан таъминлаш мақсадида тер тўкяпмиз. Мухлисларимизга шуни билдиришни истардимки, XX Осиё чемпионати келаси йилги олимпиада учун дастлабки саралаш босқичидир. Келаси йилнинг январь-февраль ойларида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган йирик халқаро мусобақалар ва Таиланднинг Бангкок шаҳрида май-июнь ойларида бўладиган Қирол Кубоги баҳслари ҳам олимпиадага номзодларни аниқлайдиган турнирлардир. Ўйлаймизки, ушбу икки халқаро мусобақада ҳам юртдошларимиз муносиб иштирок этадилар.

**— Умумжамоа ҳисобида терма командамиз билан биргаликда қайси мамлакатларнинг ғалаба учун курашда имкониятлари катта деб ўйлайсиз?**

— Албатта, асосий рақибимиз, бу — Қозоғистон жамоасидир. Бу ерда собиқ иттифоқ даврларидан бошлаб кучли боксчиларни тайёрлаш анъаналари мавжуд. Бинобарин, ушбу терма жамоа таркибида жаҳон чемпиони Жумадилов, кумуш медаль соҳиби Дилдабеков ва бронза нишонга эга Ибрагимов каби жуда кучли боксчилар бор. Таркибида 57 килограмм вазнда олимпия чемпиони бўлган миллий қаҳрамон дея тан олинган Самлук Камфинг бор Таиланд жамоаси ҳам кучлилардан саналади. Шунингдек, енгил вазнларда Филиппин, Эрон, Таиланд, Жанубий Корея жамоаларида ҳам кучли боксчилар мавжуд.

Мусобақалар 12 та вазн тоифасида ўтказилиб, иштирокчи 20 терма жамоадан ҳар бири ўзларининг энг кучли боксчиларини Тошкентга олиб келишди. Шу тариқа Осиё қитъасининг 150 энг кучли боксчилари ўртасидаги шиддатли баҳслар ишқибозларимизда катта қизиқиш уйғотади деб ўйлаймиз.

Назм

# ФАҚАТ ОЛТИН ЯРАШАР

*Хой боксчи, боксчи, рингга чиқиб толмангиз,*
*Ғалабалар бизники, ютқазибон қолмангиз.*
*Чиниқмасдан баҳсларга бўшашибон бормангиз,*
*Фақат олтин ярашар, паст ўринни олмангиз.*

*Мустақилсиз, озодсиз, боксчилар ҳормангиз,*
*Ғолиб демай қўлқопни ғилофига солмангиз.*
*Мадҳиянинг садоси тутиб кетсин оламни,*
*Байроғим тик тутганин доим кўрай боламни.*

*Саройларда устозлар кўпайсину яшасин,*
*Боксчилар рақибин чарчатибон тошасин.*
*Мард боксчим, боксчим, машқни давом этингиз,*
*Бу умидли дунёда орзуларга етингиз.*

**Йўлдошбой ТЎЛАГАНОВ.**

# БЕЛЛАШУВЛАР ДАСТУРИ

***23 октябрь, шанба***

Спортчилар тиббий кўрикдан ўтади, вазнлари ўлчанади. Қуръа ташлаш маросими ўтказилади.

***24 октябрь, якшанба***

Осиё чемпионатининг тантанали очилиши. Дастлабки жанглар.

***25 октябрь, душанба***

Дастлабки жанглар.

***26 октябрь, сешанба***

Чорак финал беллашувлари.

***27 октябрь, чоршанба***

Чорак финал беллашувлари.

***28 октябрь, пайшанба***

Ярим финал жанглари.

***29 октябрь, жума***

Дам олиш куни.

***30 октябрь, шанба***

Ҳал қилувчи финал баҳслари ва мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими.

**Саҳифа материалларини бокс бўйича XX Осиё чемпионати матбуот маркази ҳамкорлигида «Тошкент оқшоми» спорт шарҳловчиси Дилшод ИСРОИЛОВ тайёрлади.**

